



БОЖХОНА ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЛЮТА НАЗОРАТИ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

М.Б.Сирочев

Божхона институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси
e-mail: sirochevmexroj@gmail.com, тел.: (+99891) 440-84-68

ARTICLE INFO

Received: 22th March 2023

Accepted: 29th March 2023

Online: 31th March 2023

KEY WORDS

Валюта назорати органлари, ташқи савдо операциялари, идоралараро валюта назорати тизими, ахборот тизимлари.

ABSTRACT

Ушбу мақолада божхона органларининг валюта назорати соҳасидаги фаолияти тўлиқ ёритилган бўлиб, ушбу йўналишда учраб турган муаммолар ҳамда мамлакатимиз тадбиркорлари ва чет эллик тадбиркорлар ўртасида амалга оширилаётган ташқи савдо операцияларини мониторинг қилиш ва ушбу жараёнларни оптималлаштириш истиқболлари, шунингдек бугунги кунда энг кўп учраётган муаммолар ва уларнинг ечимлари таклиф этилган.

Кириш.

Мамлакатда ташқи савдо айланмаси йилдан-йилга ошиб, ўтган 2022 йил 50,008 млрд долларни ташкил қилди. 2021 йилга нисбатан 7,8 млрд долларга ёки 18,6 фоизга кўпайди. Ташқи савдода экспорт ҳажми 19,3 млрд долларга (15,9 фоизга кўпайди) ва импорт ҳажми 30,7 млрд долларга (20,4 фоизга кўпайди) етди¹. Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари ва чет эллик тадбиркорлар ўртасида ташқи савдо миқдори ошгани сари, экспорт-импорт қилинган товарлар учун амалга оширилаётган валюта операцияларини мониторинг қилиш ва бу жараёнда валютани назорат қилувчи барча органларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш талаб этилади.

Валютани назорат қилиш — валютани назорат қилувчи органларнинг валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига резидентлар ва норезидентлар томонидан риоя этилишини таъминлашга қаратилган фаолияти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги 573-сон Қонунига асосан, Марказий банки, Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасида валютани назорат қилувчи органлар ҳисобланади. Ушбу органларнинг ҳар бири ўз ваколати доирасида валюта операцияларини мониторинг қилади, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг валютага оид қонун ҳужжатларга амал қилинишини назорат қилади.

¹ <https://daryo.uz/k/2023/01/21/rossiya-hamon-yetakchi-ozbekiston-tashqi-savdo-aylanmasi-2022-yilda-50-mlrd-dollaridan-oshdi>, мурожаат вақти: 20.03.2023 йил



Импорт қилинаётган товарларнинг нархини ошириб кўрсатиш ҳолатлари юзасидан олиб борилган мониторинг ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, импорт қилинаётган товарларнинг нархини ошириш кўрсаткичлари **йилдан-йилга ўсиб бормоқда**.

Қайд этиш жоизки, жорий йилнинг январь-октябрь даврида уч томонлама шартномалар асосида амалга оширилган товарлар импорти 5,7 млрд. долларни ташкил этди.

Мазкур даврда давлат божхона хизмати органлари томонидан мамлакатимизга импорт қилинган 1 млрд. доллар қийматидаги товарларнинг экспорт қийматини 238,5 млн. долларга ошириш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланди.

Ушбу мавзуда дунёда ва мамлакатимизда кўплаб олимлар: В.Мантусов, Ю.М.Ростовский, В.Ю.Гречков, Ю.В.Хренова, А.И.Дралин, С.Г.Михнева, О.Медведенко, А.Шадманкуловлар тадқиқот ва изланишлар олиб борган ва олиб боришмоқда.

Россия Божхона академияси ўқитувчиси О.Медведенко ўзининг илмий ишларида куйидагича фикрларни билдирган:

Замонавий валюта назорати асосан божхона органлари томонидан амалга ошириладиган профилактика, валюта маблағларни чет елга ноқонуний олиб чиқишга қарши курашиш, хавф-хатарга асосланган механизмларни ишлаб чиқиш бўйича валюта операцияларининг бажарилишини назорат қилиш ва назорат қилиш функциясини бажаришда ёндашув, шунингдек, объектга йўналтирилган ёндашув воситаларини такомиллаштиришга қаратилади².

Ўзбекистон Республикасида валюта назоратини амалга оширилишини янада такомиллаштириш мақсадида миллий қонунчилик базаси шакиллантирилган. Жумладан, 22.10.2019 йилда «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ЎРҚ-573-сон Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 12 июнда 2467-сон билан рўйхатдан ўтган «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида» Низом ва бошқалар асосида Ўзбекистон Республикасида валюта назорати амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари ва чет эл юридик ва жисмоний шахслари ўртасида тузилган шартномалар³. 1-жадвал.

Ташқи савдо шартномалари	Жами шартномалар сони	Жами шартномалар млрд. \$	шундан, товар айланмаси мавжуд шартномалар сони	Экспорт - импорт килинган товарлар, млн. \$
2020 йил	131 203	200,6	114 055	21 501,6
2021 йил	136 047	137,9	94 686	14 229,7

² <https://cyberleninka.ru/article/n/sovershenstvovanie-valyutnogo-kontrolya-v-rossiyskoy-federatsii-putem-peredachi-tamozhennym-organam-funktsiy-organa-valyutnogo>, мурожаат вақти: 20.03.2023 йил

³ Божхона қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди



Ушбу жадвалдан кўришимиз мумкинки, ҳар йили мамлакатимиз тадбиркорлари томонидан 130-136 минг дона ташқи савдо шартномалари имзоланади. Ушбу шартномалар доираси товарларни экспорт ва импорт қилиш, товарларга нисбатан тўловни амалга ошириш жараёнларини назорат қилиш мақсадида валюта назорати органлари ўзаро ҳамкорликда амалга оширади. Табиийки, ушбу жараёнларни оптималлаштириш мақсадида валюта назорати органларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 12 июнда 2467-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низом⁴га асосан, валютани назорат қилувчи ҳар бир орган томонидан амалга ошириладиган ишлар белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси божхона қўмитаси ҳар ойда, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига қуйидаги фактлар аниқланган тақдирда маълумотни онлайн режимда электрон кўринишда жўнатади:

- олиб кириладиган (олиб чиқилаётган) товарларнинг божхона расмийлаштирувида божхона органига товарнинг фактура қийматини экспорт қилувчи (импорт қилувчи) мамлакатда товарнинг маълум қилинган қийматига нисбатан асосиз равишда ошириш (камайтириш) мақсадида нотўғри маълумотлар кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилганда (тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда хулоса илова қилинган ҳолда);

- шартнома бўйича контрагент бўлмаган товар етказиб берувчилар томонидан товар етказиб берилганлик фактлари аниқланганда;

Давлат солиқ хизмати органлари тижорат банклари ва давлат божхона хизмати органларидан олинган маълумотни электрон ахборот базаларидаги ҳамда солиқ органларида мавжуд бошқа маълумотлар асосида мониторинг қилади.

Мониторинг жараёнида валюта операцияларини амалга ошириш тартиби бузилганлик ҳолатлари аниқланганда, хўжалик юритувчи субъектга валюта операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатларни ва ахборотларни тақдим этиш юзасидан ёзма ёки электрон шаклда расмийлаштирилган сўровнома юборилади.

Ташқи савдо операциялари мониторинги деганда Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари ўртасида тузилган, товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтиш билан боғлиқ бўлган ва қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ёки чет эл валютасида ўзаро ҳисоб-китоблар қилишни назарда тутувчи шартномаларнинг ижросини кузатиб бориш ва таҳлил қилиш тушунилади.

Мазкур жараён Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали амалга оширилади.

⁴ <https://lex.uz/uz/docs/2186019>, мурожаат вақти:20.03.2023 йил



Контракт	
ИДН	<input type="text"/>
Тип контракта	<input type="text"/>
МФО	<input type="text"/>
ИНН контрактодержателя	<input type="text"/>
Статус контракта	<input type="text"/>
Дата ввода контракта с	<input type="text"/>
Дата ввода контракта до	<input type="text"/>
Дата регистрации в ГТК с	<input type="text"/>
Дата регистрации в ГТК до	<input type="text"/>
Номер регистрации в ГТК	<input type="text"/>
Пост	<input type="text"/>
Страна иностранного партнера	<input type="text"/>
Область контрактодержателя	<input type="text"/>
ТН ВЭД код товара	<input type="text"/>
Контракты	<input type="text"/>
Признак регистрации в таможенных органах	<input type="text"/>
По документам	<input type="text"/>

Поиск Очистить фильтр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги ПФ-122-сон Фармони 2-илоvasи билан тасдиқланган Йўл харитасининг 56-бандида ташқи савдо операцияларининг асослиги юзасидан мониторинг олиб боришни “Идоралараро валюта назорати” тизимини яратиш асосида рақамлаштириш ва янада такомиллаштириш топшириғи берилган. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан олиб бориладиган мониторинг Адлия вазирлигида 2013 йил 12 июнда 2467-сон билан рўйхатдан ўтган Низом асосида амалга оширилмоқда.

Қуйидаги расмда валюта операциялари бўйича амалга оширилган ислохотларни кўриш мумкин.

2-расм.

Яқин ўтмишга назар

2017-2022 йиллар давомида валюта операциялари бўйича

- Икки тизимли валюта курсидан воз кечилди;
- Конвертация эркинлаштирилди;
- Валюта тушумида мажбурий сотув бекор қилинди;
- Айрим бюрократик тўсиқлар бартараф этилди;
- Халқаро молиявий кредитлар ортиб бормоқда.

↓ ШУ БОИС

ТАШҚИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИ УСТИДАН САМАРАЛИ МОНИТОРИНГ ОЛИБ БОРИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚ ДЕБ ҲИСОБЛАНАДИ

2-расм. Валюта операциялари бўйича амалга оширилган ислохотлар.

Дарҳақиқат, сўнги йилларда мамлакатимизда тадбиркорларга янада қулайликлар яратиш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятларидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, қоғозбозликни олдини олиш ҳамда рақамлаштириш орқали экспорт-импорт жараёнларини тезлаштиришга урғу берилмоқда. Аммо, ушбу йўналишда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари томонидан айрим хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида мева-сабзавотлар юқори нархларда экспорт қилинган хорижий давлатларнинг божхона хизматларига (Қирғизистон, Қозоғистон, Украина, Болгария, Туркия, Озарбайжон, Россия, Белорусь давлатларига жами 19 та) сўровномалар юборилди. Сўровномалар бўйича олинган жавоб хатларига кўра, мева-сабзавотларни Қирғизистон, Қозоғистон ва Белорусь республикаларида импортга расмийлаштиришда божхона органларига қалбаки ҳужжатлар тақдим этилганлиги аниқланди.

3-расм.



3-расм. Экспорт операциялари устидан мониторинг натижалари⁵

Бу каби сунъий ташқи савдо операциялари:

– экспорт қилинаётган мева-сабзавотларимизга нисбатан хорижий давлатларда импорт божхона қиймати жуда юқори белгиланишига, уларнинг божхона кўриги тўлиқ ўтказилишига;

– ҳалол тадбиркорларимизга хорижий давлатларда ишонч йўқолишига, республиканинг имиджи тушишига;

– маҳсулотларимизнинг ташқи бозорлардаги нархи ошиб, рақобатсиз бўлиб қолишига олиб келади.

⁵ Божхона қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди



МАВЖУД МУАММОЛАР ЕЧИМИ

“Идоралараро валюта назорати” тизимини яратиш орқали:

- 1** Барча маълумотлар алмашинуви жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш ва ҳужжат айланувини (тасдиқловчи ҳужжатлар - инвойс, декларация ва х.к) ушбу тизим орқали амалга ошириш;
- 2** Барча идоралар ўртасида тўлиқ қайта алоқа тизимини йўлга қўйиш. Мавжуд ахборотлардан хавфларни баҳолаш ва мониторинг қилишда самарали фойдаланиш;
- 3** Ташқи савдони етарли даражада мониторинг қилишда етишмаётган ваколатларни олиш (мисол учун, импорт расмийлаштирувида шартнома тузувчи ва юк жўнатувчи инвойсларини мажбурий тақдим этиш);
- 4** Мониторинг жараёнларини янги назорат объеклари билан мунтазам тўлдириб бориш (ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўгартирилиши, қарзларни ҳисобдан чиқариш, чегирмалар, ҳадялар, уставга киритиш, инвестиция ва х.к);
- 5** Ишлаб чиқиладиган ҳужжат асосида шартномавий интизом қондалари ва таъсир чораларини аниқ белгилаш.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, юқоридаги таклифларни амалиётга жорий этилиши натижаси ташқи савдо операциялари устидан мониторинг амалга ошириш жараёнлари янада оптималлашади, назорат қилувчи органлар ўртасида маълумот алмашиш жараёни янада тезлашади, шунингдек, экспорт-импорт товарларининг нархларини сунъий равишда оширилиши ёки камайтирилиши олди олинади.

References:

1. <https://lex.uz>
2. <https://daryo.uz>
3. <https://cyberleninka.ru>